

# O'ZBEKISTON

# OVOZI

IJTIMOIY-  
SIYOSIY  
GAZETA

Қарор ва ижро

## БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗГА ЭҲТИРОМ

Юртимизда истиқлол йилларида неча минг йиллик тарихий-маънавий қадриятларимиз қайта тикланиб, буюк аждодларимиз қолдирган бой маънавий мерос ҳар томонлама чуқур ўрганилмоқда. Уларнинг мангу кўним топган манзиллари боғу гулзорларга, обод зиёратгоҳларга айлантирилди. Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Абдулҳалиқ Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Мотрудий каби буюк аждодларимизнинг қабрлари мўтабар қадам-жоларга айлантирилгани, буюкларимизга кўрсатилаётган эҳтиром — бунинг яққол тасдиғидир.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 25 мартдаги қарорига мувофиқ бу йил яна бир буюк ватандошимиз, ўз даврида диёримизда тинчлик ва аҳилликни қарор топтиришга, муқаддас ислом дини, ислом фалсафаси ривожига катта ҳисса қўшган мутафаккир Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллиги кенг нишонланади. Айни пайтда жойларда мазкур тўйга қизинг тародуд кўрилмақда.

Буюк аждодларимизнинг қабрларини, улар билан боғлиқ меъморий обидаларни таъмирлаш ва обод қиладиган айлантириш мамлакатимизда аниқ аниқ тусини олди. Бироқ тақдир тақозоси билан ўзга юртларда дафн этилган юрдошларимизнинг сўнги манзиллари қай аҳволда? Уларнинг барчаси ҳам ободми? Хорижда яшаб ўтган буюк ватандошларимизнинг қабрларини ободонлаштириш учун нималар қилинмоғи лозим?

Бобур халқаро жамғармаси раиси, Олий Мажлис депутаты Зокиржон МАШРАБОВ ўза мухбирига бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:

— Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида бой маданий-маънавий меросимизни, миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизни тиклашга катта эътибор қаратилмоқда, — деди З.Машрабов. — Юртободимиз иккинчи қақриқ Олий Мажлиснинг XI сессиясида буюк аждодларимизга ҳурмат-эҳтиромни янада кучайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида дафн этилган аждодларимизнинг қабрларини ободонлаштириш борасида тақлид билдиргани. Бу борада мамлакатимиз парламенти 2003 йилнинг 5 майида махсус қарор қабул қилди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Бобур халқаро жамғармасининг илмий экспедицияси 2003 йил 21 декабрь — 2004 йил 20 февраль кунлари Яқин Шарқ ва Арабистон ярим оролидаги мамлакатларда илмий сафарда бўлди.

Сафар давомида буюк аждодларимизнинг қабр — мақбаралари ва темирйилар даврида яратилган тарихий обидалар зиёрат қилинди, улар ҳақида тегишли маълумотлар тўпланди. Эронда Абулқосим Фирдавсий, Умар Хайём, Фариддин Аттор, Абу Али ибн Сино, Хофиз Шерозий, Саъдий Шерозий ҳамда Туркияда Жалолиддин Румий қабр-мақбаралари талаб даражасида таъмирланиб, зиёратгоҳларга айлантирилганининг гувоҳи бўлди.

Узининг илм-фандаги кашфиётлари билан дунёга «Муаллим соний» дея танилган туронзамин фарзанди машҳур аллома Абу Наср Форобийнинг қабри Сурия пойтахти Дамашқдаги «Бобус соий» қабристонидан жойлашган. Урта асрнинг етук астроном ва математиги Мирзо Улугбекнинг қабри Сурия пойтахти Дамашқ шаҳридаги «Бобус соий» қабристонидан жойлашган. Урта асрнинг етук астроном ва математиги Мирзо Улугбекнинг қабри Сурия пойтахти Дамашқ шаҳридаги «Бобус соий» қабристонидан жойлашган.

Шундай фикрларни буюк математик ва мунажжим Али Қушчининг Истанбулдаги Авлиё Ансорий мақбарасидаги қабри ҳақида ҳам айтиш мумкин. Қабрлар ниҳоятда зич жойлашган. Йўл йўқлиги ва сағана тошига битилган ёзувлар эскириб кетгани сабабли қабри топил жуда қийин.

Юртимизда фаолият ури-таётган хайрия жамғармалари ва мутасадди ташкилотлар ЮНЕСКО билан ҳамкорликда дунёга донг таратган ҳамюртимиз қабрини тиклаб, атрофини ободонлаштириб, ёлғорлик ўрнатса, хайри иш бўлади. Масалан, Афғонистон ҳудудидан жойлашган Камолддин Бехзод, Абу Райхон Беруний ва Бобораҳим Машраб каби буюк аждодларимизнинг қабр-мақбараларини таъмирлаш — ободонлаштириш лойиҳаларини тузишнинг 2004-2005 йиллар давомида амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Бобур халқаро жамғармаси буюк аждодларимизнинг номларини абадийлаштириш, улар қолдирган бой илмий-маданий меросини жамлаш, қабрларини ободонлаштиришдек зғу ишларни бундан кейин ҳам изчил давом эттиради.

**Ўза мухбири Норали ОЧИЛОВ ёзиб олди.**

## БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Хозирги кунда Чортоқ тиббиёт коллежидан 1800 дан ортиқ талаба ҳамширалик, акушерлик иши, ортопедик стоматология йўналишлари бўйича тахсил олмоқда. Яқинда билим масканида врачлик пункти ташкил этилди. Унда 3721 нафар аҳолига ҳамда 1300дан ортиқ талабага бепул тиббий маслаҳатлар берилди. Ушбу ташаббус туфайли талабалар назарий билимини амалиёт билан бирга қўшиб олиб бориш имконияти пайдо бўлди. Бу хайрли иш замон талабларига мос, янги тиббий технологиялардан унмлли фойдалана биладиган мутахассислар тайёрлашга жуда катта ёрдам бермоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, коллежда ўқитишнинг замонавий, лекин ноанъанавий усулларидан фойдаланилмоқда. Кейинги 3 йил мобайнида коллеж ўқитувчиларидан 66 нафари малака ошириб қайтидилар. Бу кўрсаткич 78 фоизни ташкил этади. Сўнгги йилларда ушбу маскан педагоглар, томонидан умум таълим ва мутахассислик фанларидан 400 дан ортиқ маъруза матнлари, 8 та фандан талабалар учун услубий қўланмалар яратилди. Ёшларнинг даволаш жараёнида бевосита иштирок этишлари, хондонларга бориб беморларни парвариш қилишлари уларда меҳр-муҳаббат туйғуси шаклланишига асос бўлмоқда.

**Маъмуржон МАХМУД, «Ўзбекистон овози» мухбири**

**Суратларда:** талаба машғулот олдидан; ўқув жараёни; шаҳар врачлик пункти шифокори Турсунали Мамадалиев ва ҳамшира Гулноза Охунова беморнинг қон босимини ўлчаётти.



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган суратлар

## ИТТИФОҚ КЕНГАЙИШИГА БАҒИШЛАНАДИ

Шу йилнинг 1 майида Европа Иттифоқи таркиби яна кенгайди. Унга 10 та давлат аъзо бўлиб қиради ва бу Европа Иттифоқи тарихида янги босқич бўлади. Шундай қилиб ЕИнинг аъзолари сони 25 тани ташкил этади. Тошкентда 30 апрелдан 2 майга қадар Европа Иттифоқининг кенгайишини нишонлашга бағишланган бир қатор тадбирлар бўлиб ўтади. Ўзбекистон Республикаси Бадий Академияси қошидаги «Санъатлар қарвон саройи»да Ўзбекистонда аккредитация қилинган Европа давлатлари элчихоналари томонидан фотосуратлар кўргазмаси ташкил этилади. 10 кун давом этувчи кўргазмада Европа Уйи жамғармаси — Европа комиссиясининг Тошкентдаги ваколатхонасидан 200 дан ортиқ фотосуратлар намойиш этилади. Уларда ЕИ таркибидagi ёки энди ушбу Иттифоққа қираётган мамлакатларнинг диққатга сазовор жойлари акс этади. Мазкур кўргазмани ташкил қилишдан асосий мақсад — Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ЕИга кирувчи давлатлар маданияти, меъморчилиги ва табиати билан таништириш.

Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетиди эса талабалар ва ўқитувчилар иштирокида илмий-тадқиқот семинари ўтказилади. Семинар якунида талабаларнинг энг яхши лойиҳасига мукофотлар ва эсдалик совғалари тақдим этилади. Ўзбекистон Давлат консерваториясининг Катта залида Европа мусикаси концерти бўлиб ўтади.

**Алишер РҲЗИЕВ**

## ИЖТИМОЙ СОҲАГА МОЛЯВИЙ КЎМАК

18 апрель кун Лондонда бўлиб ўтган Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки бошқарувчилар Кенгайишнинг йиллик йиғилиши давомида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Ислам тараққиёт банки ўртасида қиймати 23,8 миллион АҚШ долларига тенг молявий шартнома имзоланди. Мазкур лойиҳа вилоят шошилинч тиббий ёрдам марказларини замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминлаш дастури учун мўлжалланган. Лойиҳа ижроси Ўзбекистоннинг барча вилоятларида энг замонавий тиббиёт технологиялари ва жиҳозлари асосида малакали тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради. Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш дастурининг иккинчи босқичини амалга оширишда муҳим қадам бўлади. Бундан аввалроқ қатор сармоа дастурларини шакллантириш, жумладан, Ўзбекистоннинг 172 туманидаги шошилинч тиббий ёрдам марказларини замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминлаш тўғрисида келишиб олинган эди. Шошилинч тиббий ёрдам марказларини барпо этиш дастурининг якуний босқичи Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

«Жаҳон» АА

## Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида гапирилган эди

## АКЦИЯ СОТИБ ОЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

БУ САВОЛГА ЖИЗЗАҲДАГИ ТУРЛИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ТУРЛИЧА ЖАВОБ ЭШИТДИК ВА БУНИНГ САБАБЛАРИ БИЛАН ҚИЗҚИДИК

Маълум бўлишича, бугун вилоятда 146 та акциядорлик жамияти фаолият кўрсатаятган экан. Табиийки, уларда ишни ташкил қилиш, иқтисодий кўрсаткичлар, акцияларни сотиш ва дивидендлар масаласида тафовут бор. Айримларида акциядорлар қорхонани бошқаришда, унинг кундалик фаолиятида бевосита иштирок этаётган бўлса, баъзиларида ҳиссадорлар мулкка эгаллик ҳуқуқи, акция, дивиденд тўғрисида тузукроқ тушунчага ҳам эга эмасдай ту-

юлади. Албатта, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва уни эгасига топшириш масаласида маъсулият билан муносабатда бўлишда жойларда акциядорларнинг фаолияти юқори. Улар ўзларини ушбу жамият мулкига тўла-тўқис дахлдор, қорхона фойдасини қўлайтиришдан манфаатдор шахс деб ҳис қилишаётти. Мулк шаклини ўзгартиришга бир ёқлама, номига, ҳужажурсин учун муносабатда бўлиган жойларда эса бунинг аксини кўриш мумкин. Акциялар масаласида шунини айтиш зарурки, улар айрим акциядорлик жамиятларида ҳақиқий қимматли қозғоғга айланиб, соҳиблари учун даромад манбаи бўлиб хизмат қилаётган бир шариотда бошқаларига шунчаки оддий қозғоғчалек ҳам кадр-қиммат касб этмаётти.

Нега шундай? Бунинг сабаблари қаредо, айбдорлар кимлар? Нима учун бир акциядорлик жамиятида ҳамма ишлар яхшию, иқтисодий ҳиссада акси? Нимага бир қорхона акцияларига харидор кўлу, бошқасиникига талабгор топилмапти? Қим-

матли қозғоғларнинг бирламчи ва иккиламчи бозорлари нега гавҳим эмас? Бу аҳволда акцияларни сотиш, сотиб олиш ва айриб бошлашда, мулкни ҳақиқий эгаларига топширишда қачон қўтилган натижаларга эришиш мумкин?

Шу каби саволларга жавоб топил ниҳоятда бир неча акциядорлик жамиятларида бўлди, акция эгаларини, мутахассислар билан суҳбатлашдик, уларни ҳурсанд қилаётган ва айни пайтда ташвишга солаётган муаммоларни ҳам

англашга ҳаракат қилдик. «Фалларолпарранда» акциядорлик жамияти яқин-яқинларда ҳам «қўлог»гача қарзга ботган эди. Зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор қорхонада мулк шаклини ўзгартиришга қарор қилинди ва бу борада амалий қадамлар қўйилди. Қорхонанинг 163 миллион сўмлик ёки 55,4 фоиз давлат активлари сотувга чиқарилди. Уларга «Азия Инко» куп тармоқли хусусий фирмаси харидор бўлди. У бир йил ичида 289 миллион сўмлик инвестиция киритиш

**2-Gem**

**ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ**

**TOSHKENT XALQARO AEROPORTI**

**«QUVA MEBEL» XONADONINGIZ FAYZI**

**TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI MULKDORGA HAMKORI**

### ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИ ПЛЕНУМЛАРИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон ва Самарқанд вилоят кенгашларининг пленумлари бўлиб ўтди. Уларда ортада қолган йилда партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари томонидан амалга оширилган ишлар, ХДП МК VII пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳофизат қилинди. Самарқанд вилоят партия кенгаши биринчи котиби К.Исабеков, ХДП Андижон вилоят кенгаши иккинчи котиби О.Мадаминовларнинг маърузалари

да маъкур масалалар таҳлил этилди ва йил қўйилган камчиликлар, бажарилмай қолган ишлар рўйи-рост айтиб ўтилди. Маърузачилар партия ҳаётидаги муҳим тадбир — ҳисобот-сайлов мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш, бошлангич партия ташкилотларида бу борада етарли чора-тадбирларни кўриш лозимлигини таъкидладилар. Шунингдек, 2004 йил — «Меҳр ва мурувват йили» тадбирларида вилоят партия ташкилотларининг фаол иштироки, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва ма-

ҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўтказилган янги сайловларга кетаётган тайёргарлик жараёни муҳофизатда иштирок этганларнинг диққат марказида бўлди.

Андижонда ўтган пленумда ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А.Рустамов ва вилоят ҳокимлиги Котибиятининг бошлиғи, Олий Мажлис депутати Н.Саидов, Самарқандда МК котиби С.Усмонов сўзга чиқдилар.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

**ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ**

**МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР**

**ХДП Асака шаҳар кенгаши** ташаббуси билан Улғубек номи маҳалла фуқаролар йиғинида «Меҳрли ва соҳаватли бўлайлик» мавзусида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда шаҳар партия кенгаши фаоллари ва маҳалла аҳолиси вакиллари иштирок этдилар. «Орзу» бадиий дастаси ўз чиқишлари билан йиғилганларни хушнуд этди. Кекса отахон, онахонлар, ёлғиз яшаётганларга ҳомиларнинг совғалари топширилди.

Шу мавзу доирасида **Андижон шаҳар** 1-болалар клиник шифохонасида ҳам тадбир ўтказилди. Шифохона бош шифокори, ХДПдан халқ депутатлари шаҳар Кенгашига сайланган депутат М.Содиқова сўзга чиқиб, «Меҳр ва мурувват йили»нинг моҳияти ҳақида гапириб берди.

**Пахтаобод туман кенгаши**, шу кунларда қатор маҳаллаларда ва аҳоли марказларида «Оғоҳлик — давр талаби» мавзусида давра суҳбатлари, учрашувлари ташкил қилмоқда. Тадбирлар иштирокчилари республикамиз раҳбариятининг мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш юзасидан олиб бораётган фаолиятини маъқуллаб, мустақиллигимиз душманлари бўлган террорчиларнинг яқинда юртимиз баъзи минтақаларида содир этган ҳаракатларини қатъий қораламоқдалар.

### ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАР

ХДП Марказий Кенгаши шу кунларда Олий Мажлис депутатлари ва партия фаоллари иштирокида қатор ҳарбий қисмларда учрашувлар, суҳбат ва мулоқотлари ташкил қилмоқда. Чунки, Тошкент шаҳар Хамза туманидаги подполковник А.Усмонов командирлик қилаётган ҳарбий қисмда Олий Мажлис депутати О.Мусурмонова, ХДП Марказий Кенгаши котиби С.Усмонов ва партия МК масъул ходими В.Абдусамодовлар иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

ХДП МК масъул ходимлари С.Курбанов, В.Абдуллаев, ХДП Тошкент вилоят кенгаши иккинчи котиби М.Тоиров, Чирчиқ шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Д.Азизхўжаев Чирчиқ шахрида жойлашган подполковник Ш.Наримов бошчилигидаги түпчилар ҳарбий қисмида бўлиб, унинг аскар ва офицерлари билан учрашдилар.

Чилонзор туманидаги ҳарбий қисмда (командири подполковник Қ.Нахшибандиев) ўтказилган суҳбатда ХДП Марказий Кенгаши котиби М.Ельшов, партия МК масъул ходими Н.Тоиров иштирок этдилар.

Учрашувларда, ҳарбий қисмларга ташриф буюрган меҳмонлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, уларда сиёсий партияларнинг ўрни, хусусан, Ўзбекистон ХДПнинг дастурий голяри ва кўп қиррали фаолияти ҳақида гапириб бердилар. Уларнинг давомида, шунингдек, мамлакатимизда давом этаётган парламент ислохоти, бўлажак икки палатали парламентнинг хусусиятлари ҳамда жорий йилнинг декабрида бўладиган сайловларга тайёргарлик масалаларига эътибор қаратилди. Тадбир иштирокчилари аскар ва офицерларини Ватанини ҳимоя қилиш учун садоқат билан хизмат қилишга, халқаро террорчилар ва бошқа душманларнинг ҳар қандай ури-нишларига қарши шай бўлиб туришга даъват этдилар.

### АМАЛИЙ ИНТИЛИШЛАР ДАЪВАТИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган вилоят кенгашининг IX пленуми ЎзХДП Марказий Кенгашининг VII пленуми қарорларидан келиб чиқадиган асосий вазифаларни белгилади.

Партия бошлангич тузилмаларида ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш, вилоят, туман ва шаҳар ташкилотларида ўтказилажак конференцияларнинг юқори савияда бўлишини ташкиллаштириш, вилоят партия кенгашининг шу йил декабр ойида Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлажак сайловлардаги иштироки ҳамда партиянинг ислоҳ қилиниши муносабати билан жорий йилда амалга оширадиган асосий тадбирлари, шунингдек, «Меҳр ва мурувват йили» дастурининг ижросини таъминлашда фаоллик кўрсатиш чоралари тўғрисидаги масалалар кенгаши биринчи котиби Муҳаббатхон Абдуллаевнинг маърузасида ифода этилди.

Ўтказилажак сайловлар миллий давлатчилигимизда икки палатали парламентчиликни тўлақонли юзага келтириши билан ҳам олдинги сайловлардан фарқланади. Демак, жамиятнинг

ишончли сиёсий институтларидан бири бўлган партиямиз аниқ мўлжал ва режалар белгилаб, олдинги тажрибаларни ҳам тўла ишга солган ҳолда амалий тайёргарликка киришмоғи керак.

Пленумда асосий маъруза юзасидан музокарада қатнашганлар ҳам худудий ва бошлангич ташкилотлар фаолиятини холислик билан баҳолаб муносабат билдирдилар.

Пленумда Наманган вилоят ва Наманган шаҳар партия кенгашларини бирлаштириш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Наманган шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Акмалхон Умаров Наманган вилоят партия кенгашининг котиби этиб сайланди.

Вилоят партия кенгашининг пленумида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби Аслиддин Рустамов сўзга чиқди, Наманган шаҳар ҳокими Аюбхон Раҳматуллаев иштирок этди.

Пленумда кўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Носиржон ДЕКҚОНОВ,**  
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

### ИЗЛАНИШ, ИМКОНИЯТ ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг VII пленумида «2004 йилда бўлиб ўтадиган сайловлар муносабати билан Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисидаги» масала муҳокама этилди. Ушбу масала бўйича ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби Латиф Фуломов маъруза қилди.

Маърузачи, жумладан, ўтган йилда барча поғоналардаги партия бўғинлари мамлакатда олиб борилаётган туб ўзгаришларни, парламент ислохотини амалга ошириш ва унинг ҳуқуқий асосларини яратишга оид, партиямиз учун муҳим бўлган давлат ва партия ҳужжатларини ҳаётга таътиқ этишга йўналтирилганини таъкидлади.

— 1999 йилда бўлиб ўтган

сайловларда йўл қўйган хато ва камчиликларимизни ҳисобга олган ҳолда, деди нотиқ сўзини давом эттириб, ҳозир бутун диққат-эътиборимизни янги имкониятларни кидириб топишга, олдимизда турган қийин ва мураккаб вазифалар ечимига сафарбар этимоқдамиз. Янги сайлов мавсумига ушқоқлик билан кириб боришимиз, бошқа сиёсий партиялар билан бўладиган курашларга шай туришимиз даркор.

Бизнинг муҳим вазифаларимиздан яна бири шуки, деб таъкидлади маърузачи, БПЛларнинг бўлажак ҳисобот-сайлов йиғинлари ва туман конференцияларида диққат-эътиборни сайловчиларни ташвишлантираётган, аҳолининг ҳаётий манфаатларига дахлдор муаммолар муҳокамасига қаратиш керак. Аfsуски, айни пайтда бу масалада барча парти-

явий бўғинлар ва депутатлар гуруҳи ишида фаоллик етишмапти. Шу боисдан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи ижтимоий масалалар бўйича таътиқларни кам қилмоқда.

Пленумда сўзга чиққан нотиқлар маърузада кўтарилган масалалар юзасидан ўз фикрларини билдирдилар ва Ўзбекистон пойтхати партия ташкилотлари фаолиятини янада яхшилаш хусусида амалий тақлифларини айтдилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан пленумда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП МК котиби М.Ельшов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова сўзга чиқдилар.

**(Ўз мухбиримиз)**

### Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида гапирилган эди

## АКЦИЯ СОТИБ ОЛИШНИ ҲОҲЛАЙСИЗМИ?

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўтган йил натижалари эса янаям қувончли бўлди ва корхона нақд 118 миллион сўмдан кўпроқ фойда олди. Ёхуд икки йил олдин ҳар куни 10-11 минг донадан туҳум олинган бўлса, эндиликда тувуқлар сонни кўпаймаган бўлса-да, туҳум олиш 52-53 минг донага чиқди. Бугун корхонанинг 444 минг 191 донга акцияси 246 нафар акциядорнинг қўлида. Ана шу акциядорларнинг бири **Тошбуви ШАМСИЕВ**нинг сўзларини эшитинг:

**— Ҳар қайсиси 100 сўмдан 108 донга акция бор. Олдин товуқ боқар эдим. Ҳозир лабораторияда ишлаяпман. 2002 йил якуни билан 102 минг сўм дивиденд оладиган бўлдим. Йиғилишда дивидендларимиздан воз кечишга, уни ишлаб чиқаришга сарфлашга келишим. Насиб қилса, келгусида янаям кўпроқ донароғлар кутаяпман. Иш ҳақимиз ҳам ёмон эмас. Икки йил олдин ойига 7-8 минг сўмдан маош берадим. Ҳозир 37-39 минг сўмдан ойлик олаёпмиз. Илоҳи бурса, яна 150-200 донга акция олмақчиман. Чунки, акцияларни туфайли корхона мулкидан бир қисмининг эгасига айландим...**

Энди бошқа бир жамоа — «Жиззахўш» акциядорлик жамияти фаолияти ҳақида: 169 минг 54 донга акция пакетига эга бўлган 174 нафар акциядор ушунга ушбу жамоада мулк шаклининг ўзгарганига олти йилдан ошди. Лекин ўтган муддатда ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмади. Дабдурустан, давлат корхонаси шунчаки расмий учун акциядорлар жамиятига айлантирилмади, деган ўйгам борасан киши. Чунки, бу ерда ақсарият қишча эгалар хали-хануз ўзларини мулкдорлар деб хис қилганларича йўқ. Янгича қарарлар қарор топмагани учун ҳам жамоанинг ишлари олдинга эмас, орқага кетапти. Қарздорлик қамайиш ўрнига кўпаймоқда. Масалан, 2001 йилнинг бошида корхонанинг кредитори қарзи 13 миллион 312 минг сўмни ташкил қилган бўлса, шу йилнинг бошига келиб бу қарзга қўшимчи 47 миллион 749 минг сўмга етди. Дебитор қарзлар миқдори эса 36 миллион 113 минг сўмдан 58 миллион 703 минг сўмга кўпайди. Фойдага нисбатан рентабеллик даражаси 8,2 фоиздан 2,5 фоизга тушиб қолди. Давлат улushiга тегишли 4 миллион 226 минг 500 сўмлик 42 минг 265 донга акцияга эса анчадан буюн харидор чиқмапти.

**— Тўғри-да, — дейди жамият ҳисобчиси Раҳмат КУРОЛОВ. — Зарар устига зарар кўриб ишлаётган корхонанинг акциялари кимга-ям керак? Масалан, мен ўзим бундан 5-6 йилча олдин 310 донга акция олган эдим. Ҳақлигача «буни олиб қўй, сенинг дивидендинг» деб ҳеч ким бир сўм берган эмас...**

Ўтган йилнинг 5 апрелида ушбу корхона акциядорларининг умумий йиғилиши мавжуд аҳолини этибборга олган ҳолда акциядорлик жамияти-

ни масъулияти чекланган жамиятга айлантиришга қарор қилган. Шунга ҳам бир йилдан ошяпти. Афсуски, корхона ҳамон акциядорлик жамияти мақомида. Бу ҳол яна қанча давом этиши ҳақида ҳозирча бир нарса дейиш қийин. Аммо, шуниси аниқки, корхонада иш тўхтаб қолган. 212 нафар ишчи-хизматчи ўрнига бор-йўғи 8-10 киши номига келиб-кечиб турибди. Ҳартугул, биз бу ерга 3-4 мартаба келиб, қорувул ва ҳисоб-чидан бошқа ҳеч кимни тополмадик. Энди ўзингиз хулоса қилинг: бундай корхонанинг акциясига ким ҳам иштиққанд бўларди?

Яна бир акциядорлик жамияти — «Жиззах такси саройи» жамоаси хусусида бошқачароқ фикр билдириш мумкин. Тўғриси, кейинги пайтда бу корхонада ҳам ишлар кўнгилдагидек кетмаётган эди. Харажатлар кўпайиб, фойда ва дивидендан дарак бўлмади. Корхонанинг кредиторилик қарзи 56 миллион сўмдан, дебиторлик қарзи эса 63 миллион сўмдан ошаётган эди. 144 нафар ишчи-хизматчининг иш ҳақи 5-6 ойла берилмасди. Бундай шартномада акциядорлар ташаббусни қўлларига олдилар. Шу йилнинг 23 февралда ўтган умумий йиғилишда қатнашган 45 нафар акциядорлар ташаббуси раиси Қўқор Уроловага нисбатан ишончсизлик билдириши ва у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди. Бу ҳақда акциядор **Шукур ЭРМАТОВ** шундай дейди:

**— 1967 йилдан бери шу корхонада ишлаётган. Аввал такси ҳайдаётган. Кейин меҳаникликка ўтдим. 75 донга акция бор. Аммо, 3-4 йилдан бери дивиденд деган нарсани кўрган эмасман. Иш ҳақини вақтида беришмайди. Ҳадеб сўрайверсанг, қўймадинг-қўймадинг-да, дегандай қўлингга 3-4 минг сўм тутқазишди. Бундай аҳволда... акциянинг қозғолган нима фарқи бор?**

**Акциядор Ҳамид БЕРДИЕВ:**  
**— Устахонада ишлаётган. Яхши ният билан 37 донга акция сотиб олган эдим. Шу вақтгача бир сўм дивиденд олган эмасман. Қимматли қозғолган доним бўлатуриб, фойда бермагандан сўнг бундай акциянинг борида йўғи яхшироқмикан, дейман-да. Ўйлай-ўйлай, раҳбарга ишончсизлик билдирдим. Зора, янгисининг шарофати билан корхонамиз ишида бурилиш ясалса...**

Энди мутахассис — **Давлат мулкчилик бўлиши ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси хузуридаги қимматли қозғолган бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш худудий бошқармаси бўлиги Анваржон БЕГБЎТАЕВ**нинг фикрларини эшитайлик:

— Ҳолисанлилло айтганда, қачон одамда акция сотиб олишга ҳоҳиш, истақ пайдо бўлиши мумкин? Қачонки, у харид қилмоқчи бўлган акцияга қўшимча даромад-дивиденд олишига, шу акцияни қилган корхона мулкига тегишли равишда эгаллик қилишига ишонч қилиб бўлса. Тўғрими? Ахир, фойда келтирмайдиган, оддий қозғолган фарқи йўқ акцияни ким ҳам сотиб оларди? Бинобарин, бугун акцияни сотиш учун харидорга аввало

қимматли қозғолларнинг бирламчи ва иккиламчи фонд бозорлари ишини кўнгилдагидек йўлга қўйиш, муомалага чиқарилаётган акциялар тегишли бўлган корхонанинг иқтисодий аҳоли, унинг келажоги, акция қиймати, у сотиб олинган тақдирда йил якуни билан акциядорга қанча даромад келтириши эҳтимоли борлиги ҳақида тўлиқ ахборот бериш зарурати пайдо бўлапти.

Ва яна акциянинг ўзи нималиги, у сотиб олинганда соҳибига қандай имкониятлар эшигини очиб бериши, бу қимматли қозғолларни сотиб олиш, сотиш ва айрибошлаш йўл-йўриқлари тўғрисида ҳам тушунарча эга бўлишимиз кераклигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Шунда талабгор қайси корхонанинг қанча акциясини олиш ёки қайси корхонаникини олмаслик тўғрисида ҳолис, айтиш мумкинли, ўзи учун тўғри ва фойдали хулосага кела олади. Афсуски, бизда бу каби ишлар ҳозирча талаб даражасида деб айтилмайди. Очиги, бу масалаларда бошқарма мисли ҳам, вилоят Фонд биражиси ҳам, акциядорлик жамиятлари ҳам маълум маънода айбдор.

Айтилганларга, қўшимча равишда шунини эътироф этиш керакики, бу йил вилоятдаги акциядорлик жамиятларига ўтказилган умумий йиғилишларнинг 29 тасида акциядорлар бошқарув раҳбарларига ишончсизлик билдириши. Ва ниҳоят таассуфлар бўлсинки, ўнлаб ҳиссадорлик жамиятлари йилни зарар билан аяқлаган бир шартномада улардаги умумий йиғилишлар ижро қилиш раҳбарлар билан меҳнат шартномаларини узайтириш ҳақида қарорлар қабул қилди. Биринчи ҳолатни тушунасиз бўлади, аммо иккинчи ҳолатни қандай изохлаш мумкин? Қани, бу ўнда акциядорларнинг фойдалиги, мулк эгаси сифатидаги қатъиятлиги, жонқурлиги?

Тўғри, бозор иқтисодиётининг ўзига хос ва ўзига мос жиҳатлари бор. Акциядорлик жамияти, акция, дивиденд, қимматли қозғолган бозори, турли шаклдаги мулк кўришилари, ўзаро мулквий муносабатлар, корпоратив бошқарув ҳам аслида ана шундай ўзига хослик белгилари-дир. Одамлар аста-секин бўлса-да, бу тушунчаларнинг мағзига етиб, бозор муносабатларига қўнимчи бораётди. Лекин ҳали бундай муносабатларни тўла англаб етишда қийналаётган юртдошларимиз ҳам, бу каби муносабатларга билиб-билмай тўқинлик қилаётганлар ҳам йўқ, деб айтмайлик. Шундай экан, ҳар биримиз бозор иқтисодиётига хос муносабатлардан хабардор бўлсак, аввалга акция сотиб олмоқчи бўлган харидор сифатида, сўнг шу акцияни қилган корхона мулкчининг эгаларидан бирига айланган акциядор сифатида ҳуқуқ ва бурчларимизни яхши англаб етсак, ҳеч қачон ютқазмайлик.


**Иброҳим ЖУЗУҚОВ,**  
**«Ўзбекистон овози» мухбири**



### КЎКЛАМ БИЛАН КЎРКАМДИР ЎЛКАМ

сифатли молалаб — белгиланган топшириқларни 108 фоиз удраладик...

Агар 2002 йилда марказий устахонада 66 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 76 миллион сўмга етди. Даромад 16 фоизга ошди. Биргина қиёсий рақам: 2001 йилда бу ерда 156 миллион сўмлик даромад қилинган бўлса, 2003 йилда у икки баробарга ошди ва ҳиссадорлар мўмайгина дивидендга эга бўлдилар.



**Суратларда:** илгор чилангар (чапдан) Шихназар Абдушарипов, муҳандис Муҳаммад Мусаев ва темирчи уста Фарход Бобоқонов чопиқ тракторлари сафини кўздан кечиришмоқда; МТПга қарашли иссиқхона-лимонарийнинг тажрибали соҳибкори Аҳмад Бобоқонов. **Қадамбой ИБРАГИМОВ олган суратлар**

Хар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти маънавий-мафкуравий соҳадаги соғломлик ва ҳушёрликка боғлиқлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Ҳушёрлик ва оғоҳликни, бошқача айтганда, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш каттаму-кичикки, раҳбарга кўп жиҳатдан боғлиқ, албатта. Юртбошимизнинг асарларида бу борада аниқ тақлифлар, мулоҳазалар билдирилган. Масалан, тинчликка, тараққиётга таҳдид солиб турган диний ақидапарастлик, терроризм балосининг олдини олиш учун ҳар бир раҳбар зиммасига катта масъулият юкланган. Шу маънода бугун қайсибир маънода диний ташкилотлар билан муносабатга киришиш, алоқаларни янада яхшилаш-

га эҳтиёж туғилмоқда. Бунинг учун у Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда «Виждон эркинлиги» ҳамда диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунга асосланиб олиш ва аниқ пайтда «диний қарашларнинг мажбуран сингдиришга йўл қўйилмаслиги» (31-модда) белгилаб қўйилган. Бунинг маъноси шуки, жамиятимизда бирор динга эътиқод

қилиш ёки эътиқод қилмаслик фуқароларнинг ихтиёрий ишидир. Лекин, ҳеч ким бирор диний қарашни кимгадир мажбуран сингдириш ҳуқуқига эга эмас. Демак, раҳбар ҳодим ҳақиқий диний қадрият ва маърифатни

- а) бирор динга ёки диний эътиқодга имтиёз ёки чек-лаш белгиламаслик;
- б) диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат ўрнатилишига қўмақлашиш;
- в) экстремистик хатти-

ё) яширин диний фаолият олиб боришига йўл қўймаслик.

